


9-20-2019

KHAMZA POETRY: SOURCES AND TEXT RESEARCH

Shermuhammad Amonov Phd philological sciences

Tashkent state university of Uzbek language and literature named after Alisher Navoiy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Amonov, Shermuhammad Phd philological sciences (2019) "KHAMZA POETRY: SOURCES AND TEXT RESEARCH," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 59.

DOI: 10.36078/987654358

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss3/59>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Шермуҳаммад Амонов

Филология фанлари номзоди, ТошДЎТАУ

ҲАМЗА ШЕЪРИЯТИ: МАНБА ВА МАТН ТАДҚИҚИ

АННОТАЦИЯ

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий жадид мактаблари ва жадидчилик ғояларининг фаол ташкилотчи ва тарғиботчиларидан бўлган. Унинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” (1916), “Тухматчилар жазоси” (1919), “Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши” (1926), “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши” (1927) ва бошқа сахна асарлари ёзади. У жаҳон адабиёти ва маданиятига қизиққан. Ҳамза рус, татар, озарбайжон, турк, араб ва бошқа халқлар таълим соҳасидаги ижобий хусусиятларни ўзлаштириб, бу халқлар адабиёти ва санъатини қизиқиш билан ўрганган. Ҳамза Ҳакимзода лирик меросини, асосан, шoirнинг девони (“Девони Ниҳоний”), “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуаси ҳамда ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланаётган “Ҳамза архиви хужжатлари” ташкил этади.

Мақолада маърифатпарвар шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шеърини асарларининг илк манбалар асосидаги матний тадқиқи ҳақида фикр билдирилган.

Калит сўзлар: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Ниҳоний, кўлёма, тошбосма, манба, фонд, архив, хужжат, шоир, шеър, асар, тахрир.

КИРИШ

Ўзбек адабиёти тарихида ижодий мероси, хусусан, шеърини ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ижодкорлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир. Ҳамза Ҳакимзода ижодий меросига оид бўлган бундай тадқиқотларда шоирни асосан “шўролар тузумининг куйчиси”, “Ўзбек совет адабиётининг асосчиси” сифатида ноҳолис баҳолаш, ўша кезлардаги ҳукмрон мафкурага мос келувчи айрим асарларини қайта-қайта чоп этиш ҳоллари кузатилди. Шоир ли-

Shermuhammad Amonov

Phd philological sciences, Tashkent state university
of Uzbek language and literature named after Alisher
Navoiy

KHAMZA POETRY: SOURCES AND TEXT RESEARCH

ABSTRACT

Khamza was one of the active organizers of the methods of Jadid schools. As a playwright Khamza wrote “Zaharli hayot yohud ishq qurbonlari” (1916), “Tuhmatchilar jazosi” (1919), “Burungi qozilar yoki Maysaraning ishi” (1926), “Paranji sirlaridan bir lavha yoki Yallachilar ishi” (1927). He was interested in the world literature and mass media. He read Russian, Tatar, Azarbaijon, Turkish and Arabic literature. He was interested in education of those countries. Lyrical heritage of Khamza Hakimzade Niyazi consists of Divan of a poet (“Divan-i Nihani”), collection “National poems for national songs” and “Documents of Khamza’s archive”, saved in the State literature museum of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan named after Alisher Navoi.

The article deals with the textual research of the works of the poet and educator Khamza Hakimzade Niyazi on the basis of primary sources.

Key words: Khamza Hakimzade Niyazi, Nihani, handwriting, lithography, source, fund, archive, document, poet, poem, work, correction.

рикасига оид тадқиқотлар кўпчилик ҳолларда илмий ҳақиқатни аниқлашга эмас, сиёсий манфаатларга бўйсундирилди. Бу эса, ўз навбатида, Ҳамза шеърятини илк манбалар асосида ҳолис ўрганиш, илмий ҳақиқатни юзага чиқариш заруратини келтириб чиқаради.

МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг лирик меросини тадқиқ этишда, унинг девони (“Девони Ниҳоний”) қўлёзмалари муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, “Девони Ниҳоний”нинг Тошкентда Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8989 инвентар рақамли, шунингдек, Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейи қўлёзмалар бўлимида Р-89 рақамли икки қўлёзмаси мавжуд.

Тошкент нусхаси қачон китобат қилингани аниқ бўлмаса-да, шоир архивида сақланаётган ҳужжатларга таянган ҳолда унга 1914 йили тартиб берилган, дейилади. Қўлёзманинг ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Девондан ўрин олган шеърлар рақамланган ва қалам билан чизилган жадвалга олинган, айрим саҳифалар бўш қолдирилган. Бу, қўлёзмадаги шеърларни Ҳамзанинг ўзи кўчирган, баъзи шеърларини қайта ишлаб девонга киритиб боришни режалаштирган, деган тахминга асос бўлади.

Ҳамза “Тўла асарлар тўплами” 1-жилдида девондаги шеърлар ҳақида қуйидагича маълумот келтирилади: “Девон” 177 та шеърдан иборат бўлиб, булардан 150таси ғазал, қолганлари мураббаъ, мухаммас ва мусаддаслардан иборат. Булардан 165та шеър ўзбек тилида, 10 та шеър форс-тожик тилида, икки шеър эса ўзбек ва рус тилларида ширу шакар йўли билан ёзилган”. Бу маълумотда айрим ноаниқликлар мавжуд. 177 шеърдан аксарияти – 150таси ғазаллар. Бундан ташқари, девондан 2 та маснавий, 3та мураббаъ, 17та мухаммас ва 5 та мусаддас ўрин олган. Бироқ форс-тожик тилидаги шеърлар сони 10та эмас, 12 та. Булар 11 ғазал ва бир мухаммасдир.

Ҳамза “Девони”нинг Ғафур Ғулом номли Қўқон адабиёт музейидаги нусхаси 1979 йили топилган. Бу қўлёзма Ҳамзанинг яқин дўстларидан бири Бўронбой Тожибоев томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг 42-бетигача котибнинг ўзи ҳар бир саҳифани рақамлаган. 16-бетдан 77-бетгача қора сиёҳда китобат қилинган. Бундан кейинги саҳифалар охиригача оч бинафша рангда ёзилган. Тўпламнинг умумий ҳажми 60 варақ бўлиб, охириги ўн етти варақ бўш қолган. Шоир таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тузилган “Тўла асарлар тўплами”да девоннинг ушбу, яъни Қўқон нусхаси ҳақида ноширлар томонидан қуйидаги фикрлар айтилади: “Қўлёзмада Ниҳоний таҳаллуси билан келган ғазал, мухаммас, мусаддаслардан иборат 100га яқин шеър мавжуд. Бундан ташқари, қўлёзма охирида Фурқат, Мирзои Хўқандий, Зиёвуддин Маҳзун, Сирожиддин Маҳдум Шавкат каби шоирларнинг шеърлари ҳам қўшиб кўчирилган. Шу сирада котиб Бўронбой Миртожибой ўғлининг Бўроний таҳаллуси билан ёзилган шеърлари ҳам учрайди” [Ҳамза, 1988; 282]. Қўлёзма “Басмала”дан сўнг, “Ё илоҳо, сангадур ҳамду сано, Қодиро, ҳайю тавоно зулаъло”, – матлаъси би-

лан бошланиб, 81-бетда муаллифи номаълум бўлган ғазал билан ниҳояланган. Тўпламда “Ниҳоний” тахаллуси билан келган ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддаслардан ташқари, бошқа тахаллуслар билан ва тахаллусиз келган бир нечта шеър ҳам бор. Жумладан, шу тўплам котиби бўлмиш Мулло Бўронбой Миртожибой ўғлининг “Бўроний” Мирзои Хўкандийнинг “Мирзо” тахаллуслари билан кўчирилган шеърлари учрайди. Тўпламнинг 74-75-бетларида Завқийнинг “Арзирму” радифли шеъри, 76-бетда муаллифи кўрсатилмаган “Ман, қўлунг, чун хаста зоринг, ушласам” мисраси билан бошланувчи ғазал берилган. Демак, “Тўла асарлар тўплами” ноширлари тилга олган Фуркат, Зиёвуддин Маҳзун, Сирожиддин Маҳдум Шавкат сингари шоирларнинг шеърлари “Девони Ниҳоний”нинг Кўкон нусхасида учрамайди.

Ўзбекистон ФА Давлат Адабиёт музейидаги “Ҳамза архиви ҳужжатлари”, Ҳамза ижодий мероси, айниқса, шеърятининг нодир манбаларидандир. Ушбу архивдаги ҳужжатларнинг бир қисми “Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий архивининг каталоги” сифатида чоп этилган. Архивда, бундан ташқари, ўзбек тилидаги шеърлар билан бирга форс-тожик, татар тилидаги назм намуналари ҳам ўрин олган. Жами саккизта ҳужжатдаги шеърлар форс-тожик тилидадир. Бу шеърларнинг айримлари шоир асарлари нашрларида учрамайди. Архивдаги маълумотга кўра, Ҳамзанинг 1905–1914 йиллари ёзган шеърлари сони 218та. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам девонга кирган эмас. Баъзи шеърлар номи рўйхатда такрорланади. Шоир келтирган рўйхатдаги 218 шеърдан 174таси Ҳамзанинг “Тўла асарлар тўплами” нашрига киритилган. Рўйхатдаги 30та шеър нашрда учрамайди. Сарлавҳалардан 14таси қайта такрорланган.

Таъкидлаш керакки, девоннинг Кўкон нусхасидаги яна уч шеър нашрда ҳам, Тошкент нусхасида ҳам, бошқа манбаларда ҳам учрамайди.

Ҳамза шеърятига доир яна бир манба шоирнинг ижтимоий-сиёсий лирикасини жамлаган “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” мажмуасидир. Мажмуа литографияда чоп этилган. Бу манба ҳозирда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида 7628 л I, 7628 л II ва 4066 ашё рақамлари билан сақланади. 7628 л II рақамли манбада мажмуанинг биринчи бўлимидаги олти шеър уч марта қайта-қайта кўчирилган. 7628 л I манбада эса мажмуанинг бошқа бўлимидаги шеърлар жамланган. 4066 рақамли тошбосма мазкур шеърлар матни жамланган энг ишончли манбадир.

УСУЛЛАР

Мақолада Ҳамза шеърятининг кейинги йиллари чоп этилган нашрлардаги камчиликлар матнни тадқиқ этиш асносида аниқланади. Унинг сабабларини далиллашда тарихий-қиёсий усулдан фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУЛОҲАЗА

Ҳамза асарлари жорий имлода қайта-қайта чоп этилган. Лекин нашрдан нашрга ўтган сари шоир асарлари матни мукаммаллашув ўрнига аслиятдан узоқлашиб боргани кузатилади. Бунинг сабабларини, аввало, шоир шеърятини

ўша давр ҳукмрон мафкурасига мослаштириш, лирик асарларини аслиятга зид равишда таҳрир қилиш сингари илмга зид ҳаракатлар билан изоҳлаш мумкин.

Ҳамзанинг ўтган аср 70-йиллари охири – 80-йиллари бошларида нашр қилинган тўрт жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”га, орадан қарийб ўн йил ўтгач чоп этилган беш жилдлик “Тўла асарлар тўплами”га кирган шеърларини аслият билан қиёслаш натижалари улар моҳиятан кескин фарқланадиган даражада “таҳрир” этилганини, қисқартирилганини кўрсатади. Профессор Б.Қосимовнинг “Янги тафаккур: изланишлар, машаққатлар” мақоласида худди шу хусусда фикр юритилган. Олим дастлаб “Мукамал асарлар тўплами” сифатида тайёрланган тўрт жилдлик академик нашрга муносабат билдириб, жумладан, бундай ёзади: “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси”дан “Биринчи бўлим”даги “олти дона” шеър бештага келтирилди. Ноширлар ҳеч бир изоҳсиз “Йиғла, йиғла Туркистон, йиғла Туркистон!” шеърини тушириб қолдирдилар. “Дармон истариз” мусаддас эди мухаммасга айланттирилди... Берилган беш шеърнинг учтасида жами 34 сатр ташлаб кетилди. Бу, томликлардан жой олган битта кичкина – атиги олти шеърлик тўпламча мисолида кўринган камчилик. Ва гап ҳозирча фақат “қисқартириш”, шу орқали “қалтис” жойини “силлиқлаш” устида. Хўш, шундай ҳолда уни “Мукамал асарлар тўплами” деб бўлармикин?!” [Қосимов Б., 2008; 224].

Олимнинг бу фикрига “Девони Ниҳоний”даги ҳамд, наът ва бошқа кўплаб ғазалларнинг тушириб қолдирилгани, барча жанрлардаги шеърлардан бутун бошли байтлар, бандлар қисқартирилгани, аксар сўз ва жумлаларнинг “таҳрир” қилингани фактларини кўшсак, шоирнинг “Мукамал асарлар тўплами” деб номланган нашри талаб даражасида амалга оширилмаганлиги аён бўлади.

Таъкидланганидек, орадан ўн йилча вақт ўтгач, шоирнинг беш жилдлик “Тўла асарлар тўплами” дунё юзини кўрди. Тўғри, бу нашрда тўрт жилдликдаги кўплаб хатолар тузатилди, айрим қисқарган байт ва бандлар тикланди, “Девони Ниҳоний” ҳам нисбатан тўлароқ чоп этилди. Бироқ бу нашрдаги шеърлар матни ҳам аслиятга мувофиқ эмас. Мазкур мақолада профессор Б.Қосимов бу нашрга қуйидагича баҳо беради: “Мана, шоир асарларининг 5 томлиги чиқди. Бу – иккинчи академик нашр. Мутасаддилардан бири матбуотда у ҳақда “нодир нашр” деб кафолат берди: “...бирор сўзи ёки ҳарфи ўзгартирилмасдан, грамматик шакли бузилмасдан айнан берилди”. Афсуски, бундай эмас”.

Олим фикрини қуйидаги мисоллар орқали асослайди. “Йиғла, Туркистон!...”ни кўрамит: “Шундай кечса ҳолимиз, нелар бўлғуси:! Деб бошланадиган банд тушиб қолган. “Мозоринда тик ётур ихват ўргатган” дея ёзади Ҳамза. “Фироринда (?) тик ётур...” ўқийдилар ноширлар. ...“Дармон истариз”да “биз”–“бир”га, “арода рўзимиз”–“ирода сўзимиз”га, “биллоҳ олим”–“бошқа олим”га, “ҳукми Қуръон”–“хатми Қуръон”га айланган... Шунчадан кейин ҳам уни сўзи, ҳарфи, ҳатто грамматик шакли ўзгартирилмай “айнан берилди” деб бўладими?!”.

Б.Қосимовнинг Ҳамза шеърини нашрларига доир юқорида келтирган мисоллари шоирнинг бор-йўғи бта шеърини тегишли. Қўшимча равишда шуни

таъкидлаш керакки, тўпламда ғазал жанридаги шеърлар тўртлик кўринишига келтирилган ҳоллар, баъзи назмий асарлардан бутун бошли байтлар, бандлар тушириб қолдирилган, нотўғри ўқилиб, хато табдил қилинган ўринлар ҳам мавжуд. Умуман, лирик меросининг тадқиқи, назмий асарларининг аслият ва нашр нусхаларини қиёсий таҳлил этиш натижалари Ҳамза шеърлари нашр қилиниши жараёнида жиддий “ғоявий таҳрир”дан ўтганини кўрсатади. Масалан, “Дармон истариз” шеъридаги

*Эй мусулмонлар, келинлар, ҳукми Қуръон истариз,
Миллата шавкат, тараққий, шаъну даврон истариз, –*

байтида “ҳукми Қуръон” бирикмаси ноширлар томонидан “хатми қуръон” тарзида таҳрирдан ўтказилган. Табиийки, бу икки жумла бир-биридан кескин фарк қилади ва “ҳукми Қуръон” бирикмаси мусулмон давлатчилиги мазмунини ифодалаган. Ҳамза яшаган давр ижтимоий-сиёсий мафкураси шуни тақозо қилгани аён. “Хатми Қуръон” бирикмаси эса Қуръони каримни хатм қилиш, бошидан охиригача ўқиб чиқиш маъносини билдиради. Кўриниб турибдики, ноширлар атайин “ғоявий таҳрир” йўлини тутган.

“Дардига дармон истамас” шеърида ҳам худди шунга яқин ҳолни кузатиш мумкин. “Ё ақоид, ё ҳадис, тафсири Қуръон истамас” мисрасида “тафсири Қуръон” бирикмаси “тасвири қуръон” тарзида ўзгартирилган. Ёки “Яхши ҳолин йўқотган оқибатсиз Туркистон” шеърининг охириги бандидаги:

*Ватанга молик бўлди яҳуд отлиг тўнғизлар,
Оёғ остида қолди неча сандек дилсўзлар –*

мисраларида “яҳуд отлиг” жумласи ўрнига матнга унда бўлмаган “нобакор” сўзи қўшилган. Умуман, мазкур шеърнинг бир қанча ўринларида “яҳудий” сўзи “нобакор” тарзида таҳрир қилинган. “Жонларни жонони Ватан” шеърида ҳам худди шундай ҳолни кузатиш мумкин. Бу шеърда ноширлар томонидан “яҳудларга” сўзи ўрнига матнга унда бўлмаган “ёвузларга” сифати қўшилган. Таъкидлаш жоизки, матнга унда бўлмаган ғоянинг қўшилиши муаллиф ижодий меросининг нотўғри талқин этилишига сабаб бўлган.

Ҳамзанинг кўплаб шеърларидаги муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунни ифодалаган мисралар аксар ҳолларда мафкура талаби билан, баъзан нашрга тайёрловчиларнинг масъулиятни тўла ҳис этмагани боис нашрларга кирмай қолган. Бошқача айтганда, шеърий асар матнида мавжуд ғоя ноширлар томонидан қисқартирилган. Жумладан, “Миллий ашулалар учун миллий шеърлар” туркумидаги “Йиғла, Туркистон” шеърининг 6-банди шоирнинг шу пайтгача нашрдан чиққан бирор китобига, ҳатто энг сўнгги “Тўла асарлар тўплами”га ҳам киритилмаган. Мана, ўша байтда шоир қандай ғояни ифодалаган эди:

*Шундай кечса ҳолимиз нелар бўлғуси,
Борми қулфат бўлғуси, бизга келғуси,
Эшикларда сойиллик сўнгра қолғуси,
Таъна тоши бошларни онда ёрғуси.*

“Ғоявий таҳрир”нинг бундай кўринишлари шоирнинг девони нашрида ҳам мавжуд. Ноширлар Ҳамза “Тўла асарлар тўплами”нинг илк манбалар асо-

сида қайта тайёрлангани, шеърлар матни билан боғлиқ камчиликлар барта- раф қилингани ҳақида ёзадилар [Ҳамза, 1988; 283]. Масалан, девоннинг Тош- кент нусхаси 4^б-саҳифасида “*Дариго, бу замон аҳли бузулди, бўлди кўп расво, Туман-турлу касофат ҳам шароратлар бўлиб барпо*”, – матлаъли ғазалнинг мақтаъсидан олдинги куйидаги бир байт шоирнинг “Тўла асарлар тўплами” на- шридан тушиб қолган:

*Жухуду арманийлар мўтабар бўлди халойиқга,
Аёғ остида қолди илм эли фарёду вовайло.*

Эҳтимол, Ҳамза ёки бошқа ҳар қандай шоир ўз назмий асарида ифодала- ган ғоя бу асар ўрганилаётган давр қарашларига мувофиқ келмаслиги мумкин. Адабиётшунослик ёки матншунослик унга изоҳ бериши, асардаги ғоя тарих- нинг қайси даврига оид эканини шарҳлаши мумкиндир. Бироқ асардаги банд, байт, мисра, ҳаттоки сўз ва жумлани ўзгартиришга ҳеч ким ҳақли эмас. Бундан ташқари, Ҳамзанинг Нисорий Намангоний ғазалига мураббаъ тарзида ёзил- ган “*Ўйласам, жонона, йўқ оламда монандинг сани*” мисраси билан бошланув- чи шеъри “Девони Ниҳоний”нинг 46^б-бетидан ўрин олган. Мураббаъ жами 14 банддан иборат бўлиб, нашр нусхада қисқартиришга учраган. Жумладан, му- раббаънинг “*Холиқим қудрат қўли бирла юзинг нақш айламиш*” ва “*Қодиро, бахтинг очуб, давлатни берсун безавол*” мисралари билан бошланувчи олтинчи ҳамда ўн учинчи бандлари шоирнинг “Мукамал асарлар тўплами”дан туши- риб қолдирилган. Таассуфки, “Тўла асарлар тўплами”да ҳам бу камчилик тўлиқ барта- раф этилмаган, яъни куйидаги олтинчи банд бу нашрдан ҳам тушириб қолдирилган:

*Холиқим қудрат қўли бирла юзинг нақш айламиш,
Ҳар малоҳат ҳусни зеболиқни санга замламиш,
Ойу кун абр ичра қилгай бир-бирини сарзаниш,
Насли одам туғмади оламда монандинг сани.*

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Табиийки, бундай қисқартиришлар матннинг мукамаллигига, шеърдаги ўзига хос оҳангдорликка путур етказиши, муаллиф даврига хос тил хусусиятлари бузилишига сабаб бўлади. Шу боис бу ҳолнинг сабабларини таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш матншуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

Ҳамзанинг кўплаб шеърларидаги муҳим ижтимоий-сиёсий мазмунни ифо- далаган мисралар аксар ҳолларда мафкура талаби билан, баъзан нашрга тайёр- ловчиларнинг масъулиятни тўла ҳис этмагани боис нашрларга кирмай қолган.

ХУЛОСА

Ҳамза Ҳакимзоданинг айрим лирик асарлари жорий имлога табдил қилинмаган. Шоирнинг “Тўла асарлар тўплами”га кирмаган назмий асарлари- ни илмий муомалага олиб кириш, уларни таҳлил ва тадқиқ этиш ечимимни ку- таётган илмий муаммолардан. Мафкура талабига кўра қисқартирилиб, “ғоявий таҳрир”дан ўтказилиб чоп этилган шеърларининг аслиятга мувофиқ матнлари- ни тиклаш ва шу асосда шоир асарларининг мукамал нашрларини амалга оши-

риш зарур. Ҳамза Ҳакимзода адабий мероси нафақат, ўзбек адабиёти, балки XX аср туркий адабиёт тарихида алоҳида ўрин тутади. Негаки, шоир Румий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб, каби Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ўрганиб, таъсирланиб, уларнинг назмий анъаналарини давом эттирган.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Hamza. To'la asarlar to'plami. Besh tomlik. Birinchi tom.-T.: Fan, 1988.
2. Hamza. To'la asarlar to'plami. Besh tomlik. Ikkinchi tom.-T.: Fan, 1988.
3. Qosimov B. O'zbek adabiyoti va adabiy aloqalari tarixi.-T.: Fan va texnologiya, 2008.
4. Jabborov N. Ma'rifat nadir. –T.: Ma'naviyat, 2010.
5. Karimov N. XX asr adabiyoti manzaralari (birinchi kitob). –T.: O'zbekiston, 2008.
6. Lixachev D.S. Tekstologiya. – M.: Nauka, 1964.
7. Mamajonov S. Barhayot Hamza.- T.: Fan, 1991.
8. Rizaev Sh. Jadid dramasi. – T.: Sharq, 1997.
9. Shamsiev P. O'zbek matnshunosligiga oid tadqiqotlar– T.: Fan, 1986.
10. Hamza haqida maqolalar. – T.: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1960.
11. Hamza Hakimzoda Niyoziy arxivining katalogi. Uch tomlik. 1-2 tomlar. – T.: Fan, 1990-1991.

REFERENCES

1. Khamza. Full collection of works. First book. –Tashkent. Fan, 1988.
2. Khamza. Full collection of works. Second book. –Tashkent. Fan, 1988.
3. Kasimov B. The history of uzbek literature and literary connection links. – Tashkent. Fan va texnologiya. 2008.
4. Jabbarov N. What is education? . –Tashkent. Ma'naviyat. 2010.
5. Karimov N. The views of XX century. –Tashkent. Uzbekistan. 2008.
6. Likhachev D.S. Textology. – M.: Nauka. 1964.
7. Mamajanov S. Eternal Khamza. –Tashkent. Fan, 1991.
8. Rizayev Sh. Drama of Jadid. –Tashkent. Sharq. 1997.
9. Shamsiyev P. Research of Uzbek textology. –Tashkent. Fan. 1986.
10. Articles about Khamza. –Tashkent. Badiiy adabiyot. 1960.
11. Archives of Khamza's catalogues. 3 volume. 1-2 books. –Tashkent. Fan. 1990-1991.